

**ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ УСТУВОР  
ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ**

2024 йил 8 январь куни Дин ишлари бўйича қўмитанинг Хотин-қизлар билан ишлаш ва Тарғибот гуруҳларини мувофиқлаштириш бўлими томонидан ZOOM дастури доирасида йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган қўмитанинг худудий бошқармалари етакчи мутахассислари, тарғибот гуруҳи ва “Оқила аёллар” ҳаракати раҳбарлари ҳамда отинойилар иштирок этди.

Йиғилишнига Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари, Республика тарғибот гуруҳи раҳбари Д.Ғуломова раислик қилди. Мазкур йиғилишда Тарғибот гуруҳлари томонидан 2023 йил давомида амалга оширилган ижобий ишлар таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, йўл қўйилган камчиликлар ҳам бир қатор таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, нотинч, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ижтимоий-маънавий кўмакка мухтож хотин-қизларни турли ёт ғоялар таъсиридан асрашда хонадонбай, маҳаллабай ишларни самарадорлигига эришиш, **“Жаҳолатга қарши маърифат”** ғоясини кенг тарғиб этиш доирасида белгиланган вазифаларни ўзаро ҳамкорликда амалга ошириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.





ШУНИНГДЕК, 2024 ЙИЛ “ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ” ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИ  
ДОИРАСИДА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲАМ  
ТЎХТАЛИБ ЎТИЛДИ.  
2024 ЙИЛ УЧУН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР  
РЕЖАСИНИНГ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА БИЛДИРИЛГАН  
ТАКЛИФЛАРЛАРНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ХОЛДА РЕЖА  
ТАСДИҚЛАНДИ.

